

Ободлик, орасталик - элу юрт файзи

“Ободлик – кўнгилдан бошланади” зеро, обод маконда иш унумли ва турмуш баракали бўлади.

Тумандаги маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли уйлар ва бинолар, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳ, қабристон ва муқаддас қадамжоларни мунтазам равишда ободонлаштириш, тартибига келтириш масалалари туман ҳокимлигининг доимий кун тартибидан ўрин олган.

Бу борада айниқса, кўп қаватли уйларнинг атрофини ободонлаштириш, озодаликни таъминлаб туриш ишларига жиддий эътибор қаратилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиб бориш чоралари кўриб борилмоқда.

Бугун, 29 январ куни туман ҳокимлиги масъул раҳбарлари, тегишли мутасаддилар билан биргаликда Яипан шаҳридаги А.Жомий мавзесидаги кўп қаватли уйларда бўлиб, мазкур ҳудудда навбатдаги ободонлаштириш ишларини ташкил этиш чоралари кўрилди.

Худуд атрофи ободонлаштирилди, ариқ ва зовурлар тозаланди, “Тоза ҳудуд” ДУК филиалининг маҳсус техникалари жалб этилган ҳолда тўпланган чиқиндилар ташиб кетилди.

Маҳалла фаоллари билан суҳбатлашиб, аҳоли айниқса, ёшлар ўртасида экологик маданиятни юксалтириш зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати







2020-01-29 21:56:04